SIRDARYO VILOYATI BOYOVUT TUMANI HOKIMI

Q A R O R I

2019 йил 27 сентябр **3619- сон** **Боёвут шаҳарчаси**

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат хокимияти тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й, 9-сон, 320-модда)нинг 6, 25-моддаларига ҳамда Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарорига асосланиб, Боёвут туманида 2020 йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддасига асосан ижтимоий мухофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва мехнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида Боёвут тумани ҳокими мавжуд корхона, муассаса ва ташкилотлар ходимларининг рўйхат бўйича ўртача сони (1192 нафар)дан 119 кишини ташкил этадиган 10 фоиз миқдорида, шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 1 фоиз (17 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 2 фоиз (31 киши);

ногиронлар учун 3 фоиз (36 киши);

пенсияолди шахслар учун 1 фоиз (13 киши);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 1 фоиз (13 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 0,5 фоиз (3 киши);

одам савдосидан жабр кўрган шахслар учун 1 фоиз (4 киши);

атрофдагилар учун хавф туғдирмайдиган ижтимоий аҳамиятли касалликлардан азоб чекувчи шахслар учун 0,5 фоиз (2 киши) миқдорида иш ўринлари захирасини белгилайди.

2. Қарорнинг 1-бандида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган касб ва мутахассисликлар бўйича 2020 йилда ижтимоий ҳимояга мухтож шахслар учун банд қилиб қўйилган иш жойларини барпо этиш вазифаси юклатилган ташкилотлар, корхона ва муассасалар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари ходимлар томонидан ўзларининг меҳнат мажбуриятларини тўсиқларсиз бажаришини таъминлайдиган санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқ бўлиши керак. Шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини берадиган иш ўринлари;

пенсияолди шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

одам савдосидан жабр кўрган шахслар, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар ҳамда атрофдагилар учун хавф туғдирмайдиган ижтимоий аҳамиятли касалликлардан азоб чекувчи шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун эса – махсус малака талаб қилмайдиган ҳамда юқорида кўрсатилган барча тоифалар учун мос шароитлар яратилиши лозим.

4. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар:

иш жойларининг энг кам миқдори (квота) бўйича иш ўринларини ташкил этилганлиги тўғрисида маълумотларни ҳар чоракда ушбу ўринларга ишга жойлашганлиги тўғрисидаги маълумотни ҳар ойнинг 25 санасига қадар туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига топширсинлар;

ижтимоий химояга муҳтож бўлган тоифадаги кишиларга махсус иш ўринлари ажрата олмаганда иш жойларини ижарага сотиб олиш ёки бошқа корхоналар билан хамкорликда ташкил этилсин.

5. Иш ўринларини банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар:

қарорнинг 1-банди 2-хатбошида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган касб ва мутахассисликлар бўйича корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар кесимидаги иш ўринлари кўрсатилган ҳолдаги миқдорда иловага мувофиқ ташкил этилсин.

6. Ташкилот, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 1-бандида ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун кўрсатилган иш ўринларини белгиланган муддатларда ва тартибда ташкил этилишини таъминласинлар.

Шунингдек, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги *(рўйхат рақами 3163-сон, 31.05.2019 й.)* буйруғига асосан субсидия ажратиб бериш тартиби амалиётга жорий этилганлигини ҳисобга олиб, “ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига

мансуб шахсларни квоталанган энг кам сонидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга – ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдорида ҳақ тўлаш белгиланганлиги кўрсатиб ўтилсин.

7. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огохлантирилсин.

8. Ушбу қарорда белгиланган ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш сонидан ортиқча иш ўринлари ташкил этган ташкилотларга:

ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларучун белгиланган кўрсаткичдан ортиқча, шу жумладан иш участкалари (цехлар) ташкил этиш учун турар жой бўлмаган биноларни биринчи навбатда ажратиш;

маҳаллий давлат хокимиятига берилган ваколатлар доирасида қонунда белгиланган тартибда бошқа имтиёзлар берилиши мумкинлиги белгилансин.

9. Боёвут туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази бир хафта муддат ичида мазкур қарорни иловада кўрсатилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалари раҳбарлари эътиборига етказсин.

10. Қарор матни хокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Қушоқов хамда аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори Ш.Жўраев зиммасига юклатилсин.

12. Мазкур қарор расмий нашрда эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач келгуси йил 1январдан кучга киради.

Туман ҳокими **Ў.Мамадаминов**

O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SIRDARYO VILOYATI BOYOVUT TUMANI HOKIMI

Q A R O R

2019 йил 16 сентябрь **6748-сон** **Боёвут шаҳарчаси**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги ПҚ-4407-сон “Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларни 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда вилоят ҳокимининг 2019 йил 1 августдаги 189-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги ПҚ-4407-сон “Республика иқтисодиёти тармоқларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Сирдарё вилоят ҳокимининг 2019 йил 1 августдаги 189-сонли қарорлари ижросини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳалар ва уй-жой фонди объектларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий хужжатлар тўғрисида” ги Қонунининг 6-14-моддалари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-25-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги ПҚ-4407-сон “Республика иқтисодиёти тармоқларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Сирдарё вилоят ҳокимининг 2019 йил 1 августдаги 189-сонли қарорлари ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Туман иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳалар ва уй-жой фонди объектларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш бўйича белгиланган тадбирлар 1-иловага мувофиқ;

кўп қаватли уйлар, асосий муҳандислик коммуникациялари ҳамда технологик асбоб-ускуналарни, шунингдек ижтимоий соҳа объектларини ҳудудлар бўйича 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш топшириқлари 2, 3 ва 4-иловаларга мувофиқ;

2019/2020 йиллар куз-қиш даври учун кўмир, техник туз тайёрлаш, шунингдек суюлтирилган газни ҳудудлар бўйича етказиб бериш топшириғи 5-иловага мувофиқ;

туман иқтисодиёти тармоқларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича туман комиссияси таркиби 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мутасадди ташкилот ва корхоналар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раҳбарлари билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда жойларда иқтисодиёт тармоқлари ва уй-жой фонди объектларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврига тайёрлаш масалаларини ҳал этиш бўйича ҳудудий комиссиялар ташкил этсин;

белгиланган объектларни 2018/2019 йиллар куз-қиш даврига тайёрлаш ишларида йўл қўйилган камчиликларни танқидий таҳлил қилган ва ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда уй-жой фонди объектларидаги қозонхоналар ва муҳандислик иншоотларини 2019/2020 йиллар куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқсин;

2019 йил 10 октябрга қадар барча қозонхоналарни жорий ва мукаммал таъмирлаш ишлари якунига етказсин;

ўрта махсус касб-хунар коллежлар, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, шифохоналар ва кўп қаватли турар-жой биноларини узлуксиз иссиқлик энергияси билан таъминлаш чоралари кўрилсин;

куз-қиш даврида аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларини доимий равишда иссиқлик энергияси билан таъминлаш учун ташкилот, корхона ва муассасалар тизимларидаги қозонхоналарга жорий йилнинг 10 октябрь кунига қадар етарли миқдорда қаттиқ ёки суюқ ёқилғи захиралари яратсин;

шу йилнинг 10 октябрига қадар туман ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими билан биргаликда ижтимоий соҳа объектлари, кўп қаватли турар жой бинолари, шахсий уй-жойлар, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот ва муассасалар бино ва иншоотларининг техник талаб нормаларига мувофиқлиги тўлиқ хатловдан ўтказсин.

4. Туман хокими ўринбосари (А.Акбўтаев), туман ИИБ ЁХБ (Э.Пардабоев) ва “Боёвуттумангаз” филиали (Ж.Султонов)ларга;

жорий йилнинг 10 октябрь қадар истеъмолчилар томонидан фойдаланилаётган иситиш қозонлари, горелкалар ва бошқа газ асбоблари белгиланган тартибда кўрикдан ўтказилишини;

давлат стандартларига тўғри келмайдиган ва ясама газ қозонлари, горелкалар ва бошқа газ асбобларидан фойдаланиш аниқланган ҳолларда уларни газ тармоқларидан узиб, коидабузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилишини ташкиллаштирсин;

таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, кўп қаватли турар жой бинолари, шахсий уй-жойлар ва бошқа ижтимоий соҳа объектларидаги дудбурон, мўрикон ва шамоллатиш йўлларини тозалаш ҳамда таъмирлаш ишлари қонунчиликда белгиланган тартибларда амалга оширилишини мониторинг қилиниб, амалга оширилган ишлар ҳақида ҳар ҳафтада туман ҳокимлигига маълумот тақдим этиб борсин.

5. Туман хокими ўринбосари (А.Акбўтаев), "Боёвуттумангаз" филиали (Ж.Султонов) ва Боёвут туман электр таъминоти корхонаси (К.Абдалиев)лар:

2019/2020 йиллар куз-қиш мавсумида шартномага асосан истеъмолчиларга табиий газ ҳамда электр энергияси узлуксиз етказиб берилиши чораларини кўриб борсинлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг табиий газ ҳамда электр энергияси тармоқларига ноқонуний ўзбошимчалик билан уланишига мутлоқ йўл қўймаслигини таъминловчи алоҳида чора-тадбирлар белгиласинлар;

ўта муҳим ва тоифаланган, шунингдек ҳарбий объектларни узлуксиз электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва 10 кун муддатда ушбу объектларнинг рўйхатини туман ҳокимлигига тасдиққа киритсинлар.

жорий йилнинг куз-қиш мавсумига электр энергия билан таъминловчи нимстанциялар ва трансформаторларни, газ қувурлари ва қурилмаларини дастур асосида мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини 10 октябрга қадар якунлаш чораларини кўрсинлар.

суюлтирилган газ ёқилғисидан фойдаланувчи ҳудудлардаги аҳоли хонадонлари учун режадаги суюлтирилган газ ёқилғиси ҳамда маиший газ балонларини график асосида етказиб бериш тадбирлари белгиласин.

6. Туман хокими ўринбосари (А.Акбўтаев) ва туман "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди (Б.Давронов)лар, "Сирдарёкўмир етказувчи" унитар корхонаси ҳудудий дистребьютерлик маркази билан келишилган ҳолда туман аҳолиси ҳамда ижтимоий соҳа муассасаларига режалаштирилган кўмир ва кўмир брикети маҳсулотларини график асосида етказиб берилишини таъминласин.

7. Туман тиббиёт бирлашмаси (О.Бекмуродов), туман халқ таълими бўлими (Э.Қўлдошев), тумандаги барча ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари тасарруфидаги барча қозонхона ва иситиш тармоқларини жорий йилнинг 10 октябрига қадар куз-қиш шароитида ишлашга тайёрласинлар;

таълим ва тиббиёт муассасаларига режадаги замонавий энерготежамкор иситиш қозонларини ўрнатиш, кўмир ёқилғиси ва ўтин билан ишлайдиган иситиш қурилмаларини қуриш, мавжудларини таъмирлаш ишларини ташкил қилсинлар.

8. Туман автомобиль йўллари унитар корхонаси (М.Обидов) ва туман ободонлаштириш бошқармаси (Дж.Алимов)ларга 2019 йил октябрь ойига қадар автомобиль йўллари, автобуслар тўхташ бекатлари, барча турдаги кўприклар,

йўловчи ва юк ташувчи автотранспортларни куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш учун ҳозирдан бошлаб эҳтиёт қисмлар ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш чораларини кўрсинлар.

9. Туман молия бўлими (С.Турдибоев) бюджет маблағларидан молиялаштирилиши режалаштирилган иситиш қозонлари ва қозонхоналарини, иссиқлик тармоқларини, уй-жой фондини, ичимлик суви иншоотлари ва бошка муҳим объектларни жорий йилнинг куз-қиш мавсумига ўз вақтида тайёрлаш, суюқ ва қаттиқ ёкилғи захираларини яратиш мақсадида ажратиладиган маблағларнинг асосий қисмини иситиш мавсумига қадар молиялаштиришни таъминласин.

10. Тегишли туман ташкилотлари ва корхоналари мазкур қарорнинг ижроси ҳақида ҳар 15 кунда туман ҳокимлигига маълумотлар тақдим этиб борсинлар.

11. 2019/2020 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарликнинг бориши ҳар ойда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ҳудудий комиссияси йиғилишларида атрофлича муҳокама этиб борилиши ва натижаси бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниши белгилансин.

12. Ушбу қарор расмий нашрда эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирган деб хисоблансин.

13. Туман ҳокимлиги девонхонаси (А.Мансуров)га мазкур норматив- ҳуқуқий хужжатни туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирш юклатилсин.

14. Туман ҳокимининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Боёвут тумани иқтисодиёти тармоклари, ижтимоий соҳаларини 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2804-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Ф.Кушаков, А.Акбўтаев ва Р.Дўстмуродовлар зиммасига юклатилсин.

UMUMIY BO'LIM

Туман ҳокими **Ў.Мамадаминов**